



Кўшма йиғилиш

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Мурожаатнома йўлланди, унда ўтган 2020 йилга назар ташланиб, 2021 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

МУРОЖААТНОМА:

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН РЕЖАЛАРИ

Юртбошимиз нутқидаги ҳар бир ташаббус мамлакатимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан долзарб аҳамият касб этади. Зеро, айни дамларда нафақат юртимиз, балки бутун дунё ҳамжамиятининг янгилашларига бўлган эҳтиёжи юксалиб бормоқда. За-

мон билан ҳамнафас ҳолда глобал муаммоларга ечим излаш барчанинг олдидаги кечиктириб бўлмас вазифага айланган. Бу борада доно, оқилона сиёсатгина эзгуликка хизмат қилади, босиб ўтилажак катта йўлни раёнаштиради.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партия-

сининг Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш аъзолари, парламентнинг куйи палатасига сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок этди.

Муносабат



Илхом ТЎХТАСИНОВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори

Олий таълим муассасалари қабул квоталарини мустақил белгилаши керак

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Янги йилдан олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга қаратилган ишлар янада кучайтирилди бўлди. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамаб олиш даражаси сўнгги икки йилда 15 фоиздан ошди. Лекин бу ҳали етарли эмаслиги, чунки ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этиши қайд этилди.

Дарҳақиқат, ҳали бизда мактаб битирувчиларини олий таълим му-

ассасаларига қамаб олиш даражаси жуда паст. Бунинг учун олий ўқув юрталарини кенгайтириш, уларнинг сонини ошириш, соҳага малакали кадрларни жалб этиш лозим. Шунингдек, Мурожаатномада таъкидланганидек, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириш соҳада рақобатни кучайтириши, шубҳасиз.

Институтимиз ўтган йили республикада 10 та олий таълим муассасаси қаторида ўзини ўзи мо-

лиялаштириш тизимига ўтганди. Хорижда ўзини ўзи молиялаштирадиган олий таълим муассасалари қабул квоталарини мустақил ўзи белгилайди. Бизда ҳам шундай тартиб жорий этилса, нур устига нур бўларди.

Бундан ташқари, бакалаврият йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятларининг кенгайтирилиши ҳам айнан чет тиллар соҳасида таҳсил олаётган ёшларга қўл келади.

Бундай имкониятлар ҳаётга татбиқ этилса, республикамизда етук ва малакали кадрлар сафи кенгайди.

Дастуриламал ҳужжат

2021 йилда 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлашга ҳукумат томонидан 100 миллиард сўм ажратилади. Шу тариқа аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.



3

Илмий тадқиқотлар



ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Хоразм вилояти Питнак тумани ҳудудидаги Хумбузтепа ёдгорлигида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида миллодан аввалги VIII-VII асрларга оид даҳма қолдиқлари ва миллодан аввалги VI асрга тегишли зардуштийлик ибодатхонаси ва оташгоҳи археологлар томонидан тадқиқ қилиниб, улар зардуштийлик дини ва дафн маросимлари билан боғлиқ бўлган иншоотлар ичида энг қадимий ва ноёби эканлиги аниқланди.

4

ЁЗЁВОНГА БИР КЕЛИНГ...

Фаргона вилоятининг Ёзёвон тумани бугун водийнинг тобора ободлик касб этиб бораётган ҳудудларидан биридир. Обод қишлоқлару замонавий дам олиш масканлари, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва инвестиция лойиҳалари, шаҳардаги сингари янги барпо этилаётган кўп қаватли уйлар, хизмат кўрсатиш объектлари туманга бекиёс кўрк бағишламоқда.



5

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ДОНИШМАНД СИЗИФИ



Хуршид Дўстмухаммад ҳаётда илм-фани юксак қадрлайдиган, бошқаларни ҳам шунга ундайдиган, инсон камолоти, ақл-идроки, тафаккури китобхонликда, қироатхонликда деб биладиган ижодкор. Мен уни адабиётимизнинг, журналистикамизнинг донишманд Сизифи деб атагим келади.

6

